

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 20

13 04 2022 йил

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Д. Матмусаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «KELAJAK-S» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори **И.Уралов** иккинчи томондан, мазкур **Чуст тумани "Садача" МФЙ** ҳудудидан ўтувчи "**Н.Турғунов**" кўчасининг меъморий кийфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектини лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш (бирламчи лойиха олди ҳужжатлари билан бирга) шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХси ва бирламчи лойиха олди ҳужжатлари билан бирга) лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета ҳужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун **Бажарувчи** томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ККС билан 67 000 000 (Олтмиш етти миллион) сўмни ташкил этади**

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми **Буюртмачи** томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 иловасига мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета ҳужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жори молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради қолган 70% ни бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг тулов амалга оширилади.

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан

сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;
- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

72. Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси
Манзил: Наманган ш. Амир Темур кўчаси 105-уй
Телефон: (+99869) 233-06-11
ш/х*: 1000 218 601 440 170 498 010 181 79
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204 808 298
ОКЭД: 70220
Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010
Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ
МФО: 00014, СТИРи: 201 122 919

Директор:  Д. Матмурсаев

БАЖАРУВЧИ:

«KELAJAK-S» ХК
Манзили: Наманган шаҳар, Б.Машраб, 32
Банк: ХАБ «Трастбанк» Наманган филиали
х/р : 2020 8000 4034 8585 2001
СТИР : 202430660
МФО: 01060, ОКЭД: 71110
Тел\факс: (+99869) 227-84-38, 227-80-74
e-mail: kelajak-sl@mail.ru

Директор:  И. Уралов

Хукукий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос қилишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания хукукий маслаҳатчиси



К.Тулашев « ____ » _____ 2022 йил

ЛОЙИҲА-СМЕТА ИШЛАРИ УЧУН СМЕТА

Лойиҳа-смета ишларини топшириш, лойиҳалаш босқичлари, бино, иншоот, корхона номланиши:

Чуст тумани "Садача" МФЙ худудидан ўтувчи "Н.Тургунов" кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектини лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш (бирламчи лойиҳа олди ҳужжатлари билан бирга).
(Ишчи лойиҳа босқичи)

Лойиҳа ташкилот номи: «KELAJAK-S» ХК

Буюртмачи ташкилот номи: Наманган вилояти ҳокимлигининг ЯБИК

№ т-р	Корхона, бино ёки иш тури тавсифи	Бўлим, жадвал ва параграфга асосланиши	Қийматининг ҳисоби	Қиймати (сўм)
1	2	3	4	0
1	Чуст тумани "Садача" МФЙ худудидан ўтувчи "Н.Тургунов" кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектини лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш (бирламчи лойиҳа олди ҳужжатлари билан бирга)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги №396-сонли буйруғига асосан тасдиқланган Низомга асосланиб ҳисоблаш ишлари бажарилди.	2 680 000 000 х 0,025	67 000 000
х	Жами:	х	х	67 000 000

Смета бўйича жами: **Олтимиш етти миллион сўм ҚҚС билан.**
(йиғиндисини суз билан)

«KELAJAK-S» ХК директори:



И.Уралов

Лойиҳа бош муҳандиси:

Н.Жўраев

Буюртмачи:

Р.Эгамбердиев

МУХОКАМА АХБОРОТИ

«13» апрель 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 29 март № [22110012059231](#) -сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари” тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Чуст тумани "Садача" МФЙ ҳудудидан ўтувчи "Н.Тургунов" кўчасининг меъморий қийёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объекти** режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари” тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур савдо якуни бўйича **KELAJAK-S ХК** томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари” тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган қунда Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш қуни ичидан танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртада шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 59231 на приобретение Чуст тумани "Садача" МФЙ худудидан ўтувчи "Н.Турғунов" кўчасининг меъморий қийёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектини лойиха-смета хужжатларини тайёраш

Способ проведения электронный

Дата 08.04.2022

Время рассмотрения 06.04.2022 10:47

Конкурсная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари	Наманган вилоят ЯБИК
Секретарь комиссии	TO`XTABAYEV AKRAMJON BOQIYEVICH	Бош мутахассис	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMXON ABDUMAXMUDXON O`G`LI	"Лойиха ва пудрат ташкilotлари фаолятини мувофиқлаштириш бўлими" бошлиғи	Вилоят қурилиш бош бошқармаси
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Етакчи мутахассиси	"SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI" ДУК Наманган вилоят филиали
Член комиссии	BEGMURODOV SARDOR BEGMUROD O`G`LI	"Архитектура лойихалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими" бошлиғи	Вилоят Қурилиш Сохасида худудий инспекцияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.04.2022 года № лота 59231.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Чуст тумани "Садача" МФЙ худудидан ўтувчи "Н.Турғунов" кўчасининг меъморий қийёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектини лойиха-смета хужжатларини тайёраш (бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга)
Количество товара	1.00

Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	73 830 000.00
Стартовая сумма	73 830 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилда (2019-2020-2021) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO‘L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	20	20	14	Экспертная		
KELAJAK-S ХК	20	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Лойиҳачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO‘L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	5	5	3	Экспертная		
KELAJAK-S ХК	5	5	2	Экспертная		

Критерий №3 .Лойиҳалаш (Курилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO‘L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	5	5	2	Экспертная		
KELAJAK-S ХК	5	5	2	Экспертная		

Критерий №4 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати,

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	20	20	18	Экспертная		
КELAJАК-S ХК	20	20	15	Экспертная		

Критерий №5 Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	20	20	14	Экспертная		
КELAJАК-S ХК	20	20	20	Экспертная		

Критерий №6 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	5	5	2	Экспертная		
КELAJАК-S ХК	5	5	2	Экспертная		

Критерий №7 . Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салохияти (2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	20	20	20	Экспертная		
КELAJАК-S ХК	20	20	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
KELAJAK-S XK	73 830 000.00	67 000 000.00	04.04.2022 15:49:29	100.00
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” MЧЖ	73 830 000.00	70 000 000.00	04.04.2022 14:57:07	95.71

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
KELAJAK-S XK	Прошел	100	100
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” MЧЖ	Прошел	95.71	95.71

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 59231 от 08.04.2022 года на приобретение Чуст тумани "Садача" МФЙ худудидан ўтувчи "Н.Турғунов" кўчасининг меъморий қийёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектини лойиха-смета хужжатларини тайёраш определила победителем:

KELAJAK-S XK
202430660

и резервный исполнитель: “NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” MЧЖ (306918884)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMxon ABDUMAXMUDXON O’G’LI	Согласен	
Член комиссии	BEGMURODOV SARDOR BEGMUROD O’G’LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП